

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА МЕҲРИНИСО РАҲМОНОВНА

**БАЧАДОН САРКОМАЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ
МУКАМАЛЛАШТИРИШДА ЦИТОГЕНЕТИК ВА
ИММУНОГИСТОХИМИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Орипова Мехринисо Рахмоновна

Бачадон саркомаларини эрта ташхислашни
муккамаллаштиришда цитогенетик ва иммуогистохимик
таҳлил методларининг аҳамияти..... 3

Орипова Мехринисо Рахмоновна

Улучшеник ранней диагностики сарком матки путем
использования цитогенетических и иммуногистохимических
методов исследования..... 25

Oripova mehriniso Rahmanovna

Improving early diagnosis of uterine sarcomas by
use of cytogenetic and immunohistochemical research methods 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА МЕХРИНИСО РАХМОНОВНА

**БАЧАДОН САРКОМАЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ
МУКАМАЛЛАШТИРИШДА ЦИТОГЕНЕТИК ВА
ИММУНОГИСТОХИМИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2021

Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib 657 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат Тиббиёт Институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Джураев Миржалол Дехканович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Нодир Махаматкулович
тиббиёт фанлари доктори

Исроилов Ражаббой
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Sarvodaya cancer institute (Ҳиндистон)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18- уй) йиғилишида бўлиб ўтади. (Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: sammi@sammi.uz)

Диссертация билан Самарқанд тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18. (Телефон/факс: (99866)-233-07-66)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашда қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бачадон ўсмаси аёллар онкологик касалликлари орасида иккинча ўринни эгаллайди. Қатор муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...барча генитал ўсмаларнинг орасида 95%ни эпителиал ўсма ва фақат 5% ни мезенхимал ўсма ташкил қилади. Дунёда йилига бир миллион аёллар орасида 10 ҳолатда бачадон саркомаси аниқланмоқда.....».¹ Бачадон хавфли мезенхимал ўсмалари-саркомани эрта ташхислаш муаммоси бугунги кунгача ҳал қилинмаган. Шиллиқ ости саркомаси бачадонда жойлашиб, ҳали туғилмаган бўлса, гистероскопия уни ташхислашда катта ёрдам беради. Бачадон бўшлиғини зондлаш, кейинчалик пункция қилиш билан гистероцервикография муҳим аҳамият касб этади. Бачадон саркомасини даволаш тактикаси муаммолари бугунги кунгача баҳслилигича қолмоқда. Юқори даражадаги хавфли саркомалар тез авж олиб борувчи, тез метастаз беришга мойил ва радикал жарроҳлик амалиётидан ташқари касалликни даволашда кўшимча кимё ва нур терапиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бачадон саркомаси ташхисланган беморлар периферик қонида хромосом абберациянинг аниқланиши даволаш ҳажмини танлаш, бу патологиянинг кечишини башоратлаш, гистологик шаклларига боғлиқ беморларнинг яшовчанлигини баҳолаш илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Жаҳонда бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил усулларни аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бачадон мезенхимал ўсмаларининг гистологик верификацияси учун оператив ёндашувдан олдин бачадон трепанбиопсияни қўллаш билан ўсмани тарқалганлик даражасини баҳолашда замонавий ташхисот усуллари, касалликнинг хавфли шакллари ривожланиш хавф гуруҳларини баҳолашда бачадон мезенхимал ўсмалари кузатилган беморлар периферик қонидаги лейкоцитларни цитогенетик баҳолаш, хромосом абберацияни, хавфли ўсманинг хавфлилик даражасини ташхислашда иммунгистокимёвий таҳлил Ki-67, p53ни баҳолаш, ҳамда операциягача ва операция пайтидаги ўсмалар верификацияси самарадорлигини ошириш, асосий хатолар сабаблари ва уларнинг натижавийлигини яхшилаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларини камайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш

¹Brölmann H, Tanos V, Grimbizis G, Ind T, Philips K, van den Bosch T, et al. Options on fibroid morcellation: a literature review. *Gynecol Surg* [Internet]. 2015 Feb 7; 12(1): 3–15

даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш....»² каби вазифалар қўйилган. Ушбу вазифалар бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистохимик таҳлил асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш ва самарали жаррохлик амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши–нинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги ўн йилликда саркома ташхисотида морфологик текширувдан ташқари электрон микроскопия ва иммуногистохимик усуллар ҳам оптик даражада қўлланилмоқда, улар саркоманинг турли гистологик вариантлари сингари хавфсиз ва хавфли мезенхимал ўсмалари ўртасида, шунингдек, ноаниқ хавфли потенциалли юмшоқ тўқима ўсмаларининг оралиқ шаклларида ҳам таққослаш имконини беради. Бугунги кунда бачадон саркомасини ташхислашда p53 ва Bcl-2 ни, альфа эстроген ҳамда прогестерон рецепторлари (ПР ва ЭР), экспрессиясини таҳлил қилиш кенг қўламда қўлланилмоқда. Адабиёт маълумотларининг таҳлили кўп ҳолатда бу икки асосий гормонларнинг аниқ бўлмаган хавфли потенциал билан юмшоқ тўқимада рецепторлар коэкспрессияси бирикмасига таъсири ўсма ўсиш оқсиллари миқдорининг ошишига, ўсишга мос ҳолда лейомиома малигнизациясининг авж олишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Хавфли лейомиосаркома даражасининг ошиши рецепторларга позитив реакция билан ҳолатлар миқдорини камайтиради. Бироқ, олинган тафовутлар ўзига хос бўлмай, чегараланган ташхислаш аҳамият касб этади ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мазкур муаммо бугунги кунгача баҳс мунозарага сабаб бўлиб қолмоқда (А.М.Авдалян, И.П.Борбов ва ҳаммуал. 2011).

Ўзбекистонда бачадон миомаси, тухумдон кистаси билан қорин олдинги вентрал чурраларида замонавий хирургик ёндошуви (Д.Ф.Қурбанова, 2015), бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда таққосий иммунокоррекцияни патогенетик асослаш (Н.С.Нарзуллаева, 2020), репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик ва ҳомиласи бўлмаган даврларда бачадон миомасининг жарроҳлик тамойилларига (М.Т.Хусанхаджаева, 2020) бағишланган тадқиқотлар ўтказилган, бироқ, бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари такомиллаштирилмаган.

Шундай қилиб, аёллар жинсий аъзолари саркомасининг патогенези ва этиологияси ҳақидаги тушунчанинг йўқлиги, ўсманинг кам учраши, гистологик шакллариининг турли-туманлиги, скрининг ва касалликни эрта ташхислаш имконининг йўқлиги даволашда ягона тактикани қўллаш имконини бермайди.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.3.11.«Турли экологик шароитларда аёллар касалликларининг хавфини эрта ташхислаш, даволаш ва башоратлашнинг замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2018-2022 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон мезенхимал ўсмаларини цитогенетик ва иммунгистокимёвий усуллари билан эрта ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадон мезенхимал ўсмаларининг гистологик верификацияси учун кор-трепанбиопсияни ўз ичига олиш билан жараёни тарқалганлик даражасини баҳолашда (ультратовуш текшируви, ультратовушдоплерография, компьютер томография, магнитрезонанс томография) замонавий ташхисот усуллари имкониятларини баҳолаш;

касалликнинг хавфли шакллари ривожланиш хавф гуруҳларини баҳолаш учун бачадон мезенхимал ўсмалари кузатилган беморлар периферик қони лейкоцитларида цитогенетик таҳлил орқали хромосом абберацияларни баҳолаш;

хавфлилик даражасини аниқлаш учун иммунгистокимёвий таҳлил (Ki-67, p53) қилиш;

операциягача ва операция давомидаги ўсмалар верификацияси самарадорлигини, асосий хатолар сабаблари ва уларнинг натижавийлигини яхшилаш усуллариини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали онкогинекология бўлимида 2011-2019 йиллар давомида даволанган

150 нафар бачадон ўсмалари ва саркомаси билан хасталанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бачадон мезенхимал ўсмалари кузатилган бемор аёлларнинг бачадони мезинхимал тўқималаридаги морфологик ўзгаришларни хужайраларнинг пролеферацияси, хужайравий апаптози Ki-67 ва p53 маркерлари ҳамда хромосом абберацияларнинг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда клиник, цитогенетик ва иммуногистохимёвий, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усуллари-дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бачадон саркомасининг эрта ташхисотида магнит резонанс томография сезувчанлигининг юқорлиги, ташхисотида бу мезон ҳам КТ билан деярли бир хил Мэттьюст корреляция коэффициенти ўртача 0,66 ва Юден индексининг ўртача йиғиндиси 0,6 «одатда тавсия қилиниши мумкин эмас» индексининг кўрсаткичи асосланган;

ўсма хужайраларининг морфологик тавсифи, цитогенетик хусусиятлари хромосом абберацияси, пролифератив фаоллиги ва бачадон мезенхимал ўсмасининг хужайравий апаптози (Ki-67 ва p53) саркома ривожланишининг юқори хавфи билан беморлар гуруҳларини ажратиш имконини берган;

илк маратоба операциягача бўлган даврда бачадон саркомасининг гистологик турини ташхислаш учун ультратовуш назоратида бачадон трепанбиопсияси амалга оширилган;

хромосом абберация, пролифератив фаоллик даражаси ва бачадон мезенхимал ўсмасининг хужайравий апоптозини дифференциал ташхисотида олиб бориладиган операция хажми ва операциядан кейинги даволаш тактикасини танлаш ва касалликнинг кечишини башоратлаш исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

операциягача бўлган даврда ультратовуш назоратида бачадон саркомаси ташхисоти комплексига трепанбиопсиянинг тадбиқ қилиниши амбулатор босқичларда ўсманинг гистологик верификациясини амалга ошириш имконини берган;

ўсманинг гистологик тузилишига боғлиқликда жарроҳлик аралашувининг оптимал хажми, бачадон хавфсиз ўсмаларида аъзоларни сақлаш операцияни ва бачадон саркомасининг гистологик турларига қараб кенгайтирилган операцияларни танлаш имкони очиб берилган;

бачадон саркомаси агрессивлиги ва метастазланишининг кечишини башоратлаш учун хромосом абберациянинг ташхислаш ахамияти баҳоланган;

бачадон саркомасини ташхислаш, касаллик қайталанишини башоратлаш ва алоҳида метастазларни ташхислаш учун иммуногистохимёвий тадқиқот орқали ўсма тўқимасида ген экспрессияси ва пролифератив фаоллик баҳоланган;

бачадон саркомаси ривожланиш хавфини ташхислаш ва башоратлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар ва гистологик материаллар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, цитогенетик ва иммуногистокимёвий, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларида бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик, иммуногистокимёвий таҳлил усулларни аҳамиятини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти беморларни дастлабки текшириш босқичларида ташхисотдаги хатоликлар даражасини камайтириш, бачадон саркомасининг турли шакллари эрта ташхислашни яхшилаш ва касалликнинг турли гистологик вариантлари учун жарроҳлик аралашувнинг оптимал вариантыни ишлаб чиқиш, беморлар яшовчанлик кўрсаткичини кучайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсия қилинган усуллар мажмуаси цитогенетик ва иммунгистокимёвий текшириш усуллари орқали бачадон саркомасини эрта ташхислаш, жарроҳлик аралашувнинг оптимал ҳажмини баҳолаш, гистологик текширув учун материаллар тўплаганлиги, УТТ назоратида бачадон трепанбиопсиясини яратилганлиги касалликни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистохимик таҳлил методларни аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистохимик таҳлил усуллари ёрдамида олинган илмий натижалар асосида «Бачадон саркомаларни эрта ташхислашда инструментал, цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-д/188-сон маълумотномаси). Натижада аёлларда бачадон саркомаларни эрта ташхислашда цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари ёрдамида олинган натижаларни таҳлил қилиш касалликни даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Бачадон саркомаларни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Жиззах вилоятлари филиалларининг клиник амалий фаолиятига тадбиқ этилган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 июлдаги 08-09/7829-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бачадон саркомаларни ташхислашда мутант гени p53 супрессор экспрессиясининг мавжудлиги p53 мутант гени экспрессиясини такомиллашиб борувчи ўсма жараёни билан корреляция қилувчи ва касалликни башоратлашга манфий таъсир қилувчи омил сифатида баҳолаш, бачадон саркомасида Ki-67 антиген экспрессияси бўйича аниқланувчи ўсма ҳужайраларининг юқори пролифератив фаоллиги бу беморларнинг яшаб кетишида нохуш молекуляр генетик омил сифатида баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бачадон саркомасини ташхислаш ва даволашнинг замонавий аспектлари»** деб номланган биринчи бобида бачадон саркомаси келиб чиқиш сабаблари, этиологик омиллари, касалликнинг ташхислаш ва самарали даволаш усуллари баён этилган маҳаллий ва хорижий манбалар асосида таҳлил қилинган. Бачадон саркомасини эрта ташхислашнинг цитогенетик ва иммуногистокимёвий усуллари аҳамияти очиб берилган ва касалликни эрта ташхислаш ва даволашнинг долзарб вазифалари кўрсатилган муаллифлик ёндашуви танланган.

Диссертациянинг **«Бачадон саркомасини ташхислаш ва самарали даволашнинг тадқиқот материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 2011-2019 йиллар мобайнида Республика ихтисослаштирилган

илмий-амалий онкология ва радиология тиббий марказининг Самарқанд филиалига мурожаат қилган бачадон саркомаси кузатилган беморларнинг клиник материаллари олинган. Мазкур тадқиқотда 40 нафар бачадон саркомаси ва саркомага гумон қилинган йирик тез ўсиб боровчи фибриомиома кузатилган 110 нафар беморнинг текширув ва даволаш натижалари ташкил қилди. Ёш гуруҳларини таҳлилида, қуйидаги маълумотларни олдик: 19-39 ёшлилар 55 (36,7%), 40-49 ёшлилар 68 (45,3%), 50-59 ёшдагилар—22 (14,7%), 60 ёш ва ундан катталар –5 (3,3%) нафар беморни ташкил қилди.

Ўсма жараёнларининг тарқалганилигини, маҳаллий лимфа тугунларни жалб қилиш учун комплекс ташхисот текширувлар ўтказилди, унга кичик тос ультрасонография, рентген текшируви, компьютер магнит–резонанс томография, шунингдек, иммуногистохимёвий текшириш билан операцион материални морфологик текшириш ҳам киритилди. Бачадон саркомаси ўсма шикастланишининг тарқалганлик даражаси хавфли ўсмаларнинг TNM (2012) 7- қайта қўрилган Халқаро таснифига мосликда баҳоланди.

Ўсма жараёнлари босқичлари бўйича беморларнинг тақсимланиши 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Бачадон хавфли ўсмаси бўлган беморларни текшириш усуллари

Текшириш усуллари	Бачадон миомаси (n=110)		Бачадон саркомаси (n=40)	
	абс	%	абс	%
Ўпкани рентгенологик текшириш	110	100,0	40	100,0
Умумий ва экскретор урография	91	82,73	34	85,0
Радиоизотоп ренография	5	4,55	6	15,0
Ультрасонография	110	100,0	40	100,0
Компьютер томография	82	74,55	37	92,5
Магнитли резонанс томография	0	0,0	22	70,0
Лаборатор усуллар	110	100,0	40	100,0
Беморлар сони	110		40	

Бачадон саркомаси кузатилган беморларни даволаш усуллари. Бачадон саркомасини жарроҳлик билан даволашни 2017 йил Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббий маркази томонидан тасдиқланган стандарт протоколи баённомасига асосландик. хавфлиликнинг паст даражасида стромал саркома (ХПДСС) кузатилган 17(11,3%) нафар бемор, лейомиосаркома (ЛМС) аниқланган 12(8%) нафар беморда бачадон ортиқлари билан экстирпацияси ва оментэктомия бажарилди. Шу билан бирга хавфлиликнинг оғир эндометрал стромал саркомаси кузатилган 6(4%) нафар бемор ва дифференцияланмайдиган

саркома аниқланган 5(3,3%) нафар беморда бачадон ортиқлари билан экстирпацияси ва кичик тос катталашган лимфа тугунлари лимфодиссекцияси ўтказилди.

Беморларнинг клиник текширув баённомаси анамнез ва шикоятларни йиғиш, физикал текширув, кичик тос аъзоларининг УТТ текшируви, рентген текшируви, сийдикнинг сифатли ва миқдорий микроскопик таҳлили, биокимёвий ва гематологик тестлар, қон лимфоцитларининг цитогенетик таҳлили, операцион материалларининг морфологик ва иммуногистокимёвий текширувларини ўз ичига олади.

Барча 150 нафар бемор ультратовуш текширувидан ўтказилди. Бунда ўсма контури ва ҳажми, жойлашиши, ўсма эхотузилиши, параметрал тўқима инфильтрацияси ва ўсма жараёнларининг кичик тос аъзоларига ўсиб ўтиши борлиги ўрганилди.

Буйрак ва сийдик айирув йўллари фаолиятини адекват баҳолаш учун вена ичига 76% урографин эритмасидан 20 мл қуйиш, контраст модданинг 7,15,25 дақиқа оралиғида юборишни назорат график текшируви билан экскретор урография қилинди.

Кичик тос компьютер томографияси бачадон ўсмаси кузатилган 150 беморнинг 119(79,3%) нафарида ўтказилди, 37(24,7%) нафар беморда бачадон саркомаси ўз ўрнига эгалиги кузатилди.

КТ ёрдамида ўсма ҳажми ва жойлашиши, бачадон контури ва ўсма, ўсма тузилиши ва унинг зичлиги, параметрал тўқима инфильтрацияси ва ўсма жараёнларининг кичик тос аъзоларига ўсиб ўтиши, шунингдек, лимфа тугунлари ва алоҳида аъзолардаги метастазларни аниқланди.

МРТ ёрдамида T1 spin-echo (SE) тартибида коронар, сагиттал ва аксиал тасвирда ярим тасвир ҳолатда ўтказилди. Беморнинг текширув вақтида ҳолати белга ётган ҳолат билан баҳоланади. Ҳамма тасвирда кесма (SL) 3-5мм қалинлиги, кесмалар ўртасидаги масофа (SP) 1-2мм, 12-16 кесмалар сони аниқланди. Кичик тос магнит резонанс томографияси 22 нафар жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда ўтказилди.

МРТ ёрдамида ўсма ҳажми ва жойлашиши, бачадон контури ва ўсма, ўсма тузилиши, параметрал тўқима ва кичик чаноқ аъзоларига ўсманинг ўсиб бориши, шунингдек, лимфа тугунлари ва алоҳида аъзолардаги метастазларни аниқланди. Кўрсатма бўйича қизилўнгач ва ошқозонни эндоскопик текшируви умумқабул қилинган усул бўйича 10-моделнинг сўнги оптикиси билан «Olympus» фирмасининг фиброгастроскопи ёрдамида ўтказилди. Операцион материалнинг бачадон экстирпациясидан кейинги гистологик текшируви серияли парафин кесмаларида (ҳар қайси кузатувнинг 15 дан 20 -гача) Ван Гизон, қизил Конго бўйича гематоксилин, эозин, пикрофуксин бўёқларини қўллаш билан олиб борилди. Препаратлар ×10, ×20, ×40 окулярни катталаштириш билан ёруғлик микроскопида кўриб чиқилди.

Иммуногистокимёвий текширув (ИГК) серияли парафин кесмаларда жарроҳлик материаллари ўтказилди. Антиген материали 0,01М цитрат буфери эритмасида 120°C ҳароратдаги ретриверда 20 дақиқа мобайнида кесмани инкубация қилиш йўли билан олиб ташланди. Эндоген

пероксидазаси 3% водород перикиси эритмасида 10 дақиқа мобайнида кесмаларни қайта ишлашда блокланди. Кі-67 (клон МІВ-1, «Dako») ядро антигенига бирламчи антитана инкубацияси хона ҳароратида 20 дақиқа давомида 1:400 нисбатда суюлтирилди. Иммуно бўйлаш стрептавидин-биотин пероксидаз усулида («Dako», LSAB + Kit HRP) олиб борилди, унда хромоген сифатида 3,3-диаминобензидин эритмасидан фойдаланилди («Dako», Liquid DAB+). Негизли ядро бўйлаш учун гематоксилин қўлланилди. Негатив назорат бирламчи антитаначаларсиз амалга оширилди. Ҳар бир ҳолат х400 катталаштирилган шароитда ўсма зичлигига боғлиқликда 6-15 кўриш майдонида 1000 ўсма ҳужайраларини текширди. Ижобий бўйлашган ядролар сони аниқланди.

p53 экспрессиясини аниқлаш учун («Dako», Дания) фирмасида ишлаб чиқилган суюлтирилган p53 (1:50) да моноклонал антитаначадан фойдаланилди. Детекцион тизим сифатида бачадон саркомаси кузатилган 34 нафар беморда En Vision («Dako») полимер тизими жалб қилинди.

Цитогенетик усул. Лейкоцитар ўлчамни тайёрлаш. Лейкоцитар материал куйидаги таркибда (0,083% аммоний хлорид эритмасига 0,04г/л этилендиаминтетра ацетат қўшилади (ЭДТА)) гемолитик суюқлик эритроцитлари лизиси йўли билан олинади. Натрий бикорбанат эритмаси билан рН 7,2-7,4-7,5 га етказилади. Қолганига қон ҳужайралари центрифугиралангандан кейин 30 дақиқа мобайнида доимий аралаштирилган ҳолатда 5 мл гемолитик суюқлик қўшилади. Кейин ҳужайраларга гемолитик суюқлик таъсирини тўхтатиш учун 199 муҳитдан 5 мл қўшилади, 200-1000 айланмада 10 дақиқа центрифугираланади. Қонли суюқликка 3-5 сонияда 1-2 мл гемолитик суюқлик қўшилди, кейин 199 муҳитдан 10 мл қўшилди, дақиқасига 200 айланмада 10 дақиқа мобайнида центрифугираланади. Қонли суюқлик тўкилади. Суюқлик қолдиғи филтёр қоғози билан артиб ташланади. Олинган ҳужайра чўкмасига 199 муҳитдан 0,4 мл қўшилади. Хромосом таҳлили учун Аракаки бўйича қон лимфоцитлари культивация микро усули ёрдамида ўтказилади.

Усул тамойили. Фитогемаглютинин (ФГА-тозаланган митоген бобов) билан периферик қонда лимфоцитлар ҳар куни митотик даврда кузатилади. 72 соат ўтгач митоз ҳужайралар сони максимал ҳолатга етади. Колхицинни муҳитга қўшиш митозларни метафаза босқичида тўхтатади.

Беморнинг билан венасидан стерилланган бир маротаба ишлатиладиган шприц билан 2 мл қон олинади. Кейин қон 0,5 мг гепарин эритмаси бўлган стерилланган махсус шиша идишда 1/20 нисбатда қуйилади. Шундай тарзда тайёрланган қон музлатгичда 3 кунгача сақланиши мумкин. Экма боксда олиб борилади. Ундан кейин стерилланган пенициллин флаконига 2,0 мл аралаштирилган гепаринланган бутун қон стерилланган пипетка ёрдамида қуйилади.

Сўнгра ФГА қуйилган флаконга 5 мл стерилланган, бидистилизацияланган сув ёки 0,85% натрий хлор эритмаси қўшилади ва музлатгичда 15 дақиқа қолдирилади. Стерилланган микропипетка билан флаконга ПанЭКО (Москва) фирмасининг 100 мкг ФГА қони, 199 муҳитдан

5-6 мл ва 1мл йирик сигир зардоби кўшилади. Флакон стерилланган қопқоқ билан герметик беркитилади, куч билан силкитилади ва 72 соатга 37⁰С даражада термостатга кўйилади. 72 соат ўтгач стерилланмаган шароитда флаконга 1 мл колхицин эритмаси кўшилади (0,85% 100 мл натрий хлор эритмасига 1 мг) ва 2 соатга кўйилади. Ундан кейин 37 ⁰Сда 0,56% КСІ гипотоник эритма тайёрланди. 37 ⁰С да термостатда 15 дақиқа мобайнида гипотонизация қилинади.

Центрифугаш ва қонли суюқлик олиб ташланганидан кейин чўкмага махсус эритма кўшилади (эритманинг 1 қисми уксус кислотаси ва 3 қисми этил спиртидан ташкил топади). 3 каррали фиксациядан кейин шиша ойнага чўкма суртилади ва Романовский-Гимза бўёғи билан бўялади.

Бачадон саркомасида ўсмаларнинг тарқалиш даражасини аниқлашда тадқиқотнинг замонавий ташхисот усуллари (УТТ, КТ, МРТ) нинг аниқлиги ва ўзига хослиги, сезувчанлик даражасини ўрганиш учун P.S. Galen ва S.R. Gambino (Lyung B. et al., 1986) усулидан, шунингдек, Юден индекси, Мэттьюст корреляцияси коэффицентидан фойдаландик.

КТ ва МРТ, рентген текшируви, УТТ дан олинган маълумотларнинг ишончилиги, интраоперацион босқичлаш ва жарроҳлик материалларининг гистологик текшириш маълумот натижалари таққослаш йўли билан баҳоланди.

Бачадон трепанбиопсияси бачадондан қиринди олиш имконияти бўлмаганида ўсма марказида некроз кузатилган субсероз ва интерстициал йирик тугунларда – бачадон саркомаси гумон қилинган 27(67,5%) нафар беморларда ўтказилди. Трепанбиопсия учун бир марталик игна билан Trigger фирмасининг HIGH SPEED- MULTI аппаратида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Бачадон саркомасида тадқиқотнинг инструментал, цитогенетик ва иммунгистокимёвий усуллари самарадорлигини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида бачадон саркомаси бўйича 2011-2019 йилларда РИОваРИАТМ Самарқанд вилояти филиалида текширилган 40 нафар беморнинг текширув натижалари берилган. УТТ, КТ ва МРТ усуллариининг ташхислаш имкониятларини таққослаш, бачадон саркомасини маҳаллий тарқалганлигини аниқлаш учун олинган маълумотлар асосида ташхислаш самарадорлик кўрсаткичларининг ҳажми ҳисобланди. Кичик тос, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бези, қорин парда орти лимфа тугунларининг ультратовуш текшируви барча 150 нафар беморда ўтказилди. Ультратовуш текшируви орқали 140 (93,3%) нафар беморда бачадон ўсмасининг хавфсиз ва хавфли ўсмаларини аниқланди. Ўсма жараёнинг параметрал тўқимага инфильтрацияси 4 (2,6%) ҳолатда, 5 (3,3%) ҳолатда ўсманинг кичик тос аъзоларига ўсиб ўтиши аниқланди. Олиб борилган бачадон УТТ асосида 23 (57,5%) ҳолатда 2-босқич, 9 (22,5%) ҳолатда 3-босқич ва 8 (20%) ҳолатда Т4 босқичи кузатилди. Операция ичи жарроҳлик босқичлаш ва операцион материалларининг гистологик текширув

хулосалари бўйича 22 (55,0%) ҳолатда бачадон саркомасининг 2-босқичи, 13 (32,5%) 3-босқичи, 5 (12,5%) ҳолатда 4-босқичи аниқланди. Демак, 23 ҳолатда УТТ ёрдамида 2-босқич, 17 ҳолатда бачадон саркомаси тарқалишининг операция ичи 2-даражаси тасдиқланди, аммо 6 ҳолатда саркоманинг бошқа босқичлари аниқланди, яъни, 4 ҳолатда УТТ ҳам бачадон саркомасининг юқори босқичларини аниқланмади, 2 ҳолатда эса сохта мусбат натижалар кузатилди. УТТ ёрдамида бачадон саркомаси 3-босқичи аниқланган 9 ҳолатнинг 7 тасида ўсма тарқалганлигининг операция ичи даражаси кузатилди, 2 ҳолатда операция ичи 2 ва 4 босқичи аниқланди. УТТ ёрдамида бачадон саркомаси 4-босқичи аниқланган 8 ҳолатнинг фақат 2 тасида ўсма тарқалишининг операция ичи даражаси тасдиқланди, 3 ҳолатда эса операция ичи паст (1-ва 2-босқичи) босқичи аниқланди.

Олинган натижалар бачадон саркомаси кузатилган беморларни УТТ натижалари билан таққослаб, 2-босқични аниқлашда УТТ сезувчанлиги 86,7%, 3 – 83,3% ва 4 – 75% ни, 2-босқични аниқлашда ўзига хослик –75%, 3 – 33,3% ва 4 –50% дан иборат. 2-босқични аниқлашда ташхислаш аниқлиги – 86,6%, 3 – 71,4% ва 4 –60% ни ташкил қилади. Мэттьюст корреляция коэффиценти кузатилаётган ва олдиндан тахмин қилинган бинар тасниф ўртасида 0 ва+1 қийматга қайтади. Тадқиқотимизда 0,1 дан ва 0,5 коэффицент (ўртача 0,33) кузатув ва олдиндан тахмин қилиниш ўртасидаги ўртача қиймат ҳисобланади. Юден индекси, унинг қиймати 0 дан 1 диапазонда кузатилади, у нол қийматга эга эмас, текширувимизда ўртача 0,3 га тенг. Индекснинг ҳар иккала кўрсаткич қийматидан фойдаланиш одатда тавсия қилинмаган бўлиши керак, натижада бачадон саркомаси ташхисида фақат УТТдан фойдаланиш асосланмаган қарорни қабул қилиш эҳтимоли ҳисобланади.

Шундай қилиб, бачадон саркомаси ва уни маҳаллий тарқалишида УТТ ўртача маълумотли усул ҳисобланади.

Хавфсиз ва хавfli ўсмалар операция қилинган 150 нафар беморнинг 119 (79,3%) нафарида кичик тос, жигар ва қорин бўшлиғи ва қорин парда орти лимфа тугунлари компьютер томография қилинди, уларнинг 37 (24,7%) нафарида бачадон саркомаси аниқланди. 133 (88,6%) ҳолатда бачадон ўсмасининг тузилиши бир хил бўлмаган, 17 (11,4%) ҳолатда паст зичликдаги бир хиллиги кузатилган. КТ ёрдамида 8 (5,3%) ҳолатда ўсма некрози, 7 (4,7%) ҳолатда ўсма маркази тўқимасининг лизиси ва кистоз бўшлиқ аниқланди. Ўсманинг параметрал тўқимага инфилтрацияси 7 (20%) ҳолатда, кичик тос аъзоларига ўсиб ўтиши 9 (25,7%) ҳолатларда кузатилади. Олиб борилган КТ асосида 16 (43,2%) ҳолатда бачадон саркомасининг 2-босқичи, 12 (32,4%) ҳолатда 3-босқичи, 9 (24,3%) ҳолатда 4-босқичи аниқланди.

КТ ёрдамида ўсманинг 16 ҳолатда 2-босқич аниқланди, 15 ҳолатда бачадон ўсмасининг операция ичи 2- босқичи, саркоманинг 3-босқичи аниқланган 12 ҳолатнинг 7 тасида ўсма тарқалганлиги операция ичи тасдиқланди, саркоманинг 4-босқичи аниқланган 9 ҳолатнинг фақат 5 тасида ўсманинг тарқалганлик даражаси операция ичида тасдиқланди, 4 ҳолатда эса бачадон саркомасининг энг паст босқичи аниқланди.

Бачадон саркомаси кузатилган беморларни КТ ёрдамида текшириш натижаларини қиёсий баҳолаш бўйича олинган маълумотлар кўрсатишича, 2-босқични аниқлашда КТ сезувчанлиги–92,3%, 3-босқичда 88,9% ва 4-босқичда 83,3% ни, 2 –босқични аниқлашда КТ нинг ўзига хослиги 66,7%, 3-босқичда -50% ва 4 –босқичда 66,7% га тенг, 2-босқични аниқлашда КТ диагностик аниқлиги– 92,3%, 3 -босқичда– 88,9% ва 4 -босқичда– 83,9% ни ташкил қилади.

Кичик тос магнит резонанс томографияси (МРТ) операция қилинган 22 нафар беморда ўтказилди. Олиб борилган МРТ асосида 11 (50%) ҳолатда параметрал тўқимага инфилтратсия, 3 (13,6%) ҳолатда кичик тос аъзоларига ўсманинг инфилтратив ўсиши аниқланди. 7 (31,8%) ҳолатда 2 босқич, 11 (50%) ҳолатда 3-босқич, 4 (18,2%) ҳолатда 4 –босқич кузатилди.

Операция ичи жарроҳлик босқичлари ва бачадон саркомаси босқичлари операцион материални гистологик текшириш маълумотлари бўйича 7 (31,8%) ҳолатда 2-босқич, 11 (50%) ҳолатда 3-босқич, 2 (9,1%) ҳолатда 4-босқич аниқланди. Операция ичи жарроҳлик босқичлари ва операцион материалнинг гистологик текширув маълумотларига асосланган. Кузатилаётган ва олдиндан гумон қилинган бинар тасниф ўртасида Мэттьюст корреляция кэффиценти -1 ва +1 ўртасига қайтади. 0,2 дан 0,7 гача бўлган коэффициент (ўртача 0,5) кузатилаётган ва олдиндан гумон қилинган тасниф ўртасида ўртача кўрсаткичга эга. Юден индексида тасдиқланган унинг қиймати 0 дан 1 (1 ҳам киради) гача диапазонда бўлади, у нол қийматга эга, тадқиқотимизда у ўртача 0,6 га тенг.

Бачадон ўсмаси кузатилган беморларни МРТ натижаларини қиёсий баҳолашдан 2 –босқични аниқлашда МРТ сезувчанлиги 87,5%, 3-90% ва 4–66,7% ни, 2–босқични аниқлашда МРТ нинг ўзига хослиги 85,7%, 3–91,7% ва 4 – 50%, ташхислаш аниқлиги 2–77%, 3–90% ва 4–66,7%.

Кузатилаётган ва олдиндан гумон қилинган бинар тасниф ўртасидаги Мэттьюст корреляция коэффиценти-1 ва +1 ўртасига қайтади. 0,2 дан 0,7 гача бўлган коэффициент (ўртача 0,5) кузатилаётган ва олдиндан гумон қилинган тасниф ўртасида ўртача кўрсаткичга эга. Юден индексида тасдиқланган унинг қиймати 0 дан 1 (1 ҳам киради) гача диапазонда бўлади, у нол қийматга эга, тадқиқотимизда ўртача 0,6 га тенг. Индекснинг ҳар иккала кўрсаткичларидан фойдаланиш «одатда тавсия қилинмаслиги керак», шунинг учун бачадон саркомаси ташхисотида фақат МРТ дан фойдаланиш асосланмаган қарор қабул қилиш эҳтимоли ҳисобланади.

МРТ сезувчанлиги–83,3%, бу мезон ташхисотида ҳам КТ–81,5% ва УТТ–74,0% ($P<0,05$) га тенг. УТТ ўзига хослиги КТ ўзига хослигига 60% нисбатан – 73,3% юқори, МРТ 77% га нисбатан эса паст, бу мезон ташхисотида МРТ аниқлиги 86,4% юқори бўлиб, КТ -83,3% билан бир хил, УТТ -75% га нисбатан юқори.

Шундай қилиб, бачадон саркомаси ташхисотида УТТ ва/ёки МСКТ ёки МРТ билан бирга УТТ дан фойдаланиш асосланган қарор қабул қилиш эҳтимоли ҳисобланади.

Текшириш усуллари бўйича бачадон хавфли ўсмасини тарқалиш даражасини аниқлашда тестнинг аҳамияти

Кўрсаткичлар	Тестнинг аҳамияти		
	УТТ	КТ	МРТ
Сезувчанлик	74,0	81,5	83,3
Махсуслик	73,3	60,0	77,0
Аниқлик	75,0	83,3	86,4
Мэттьюст коэффиценти	0,43	0,756	0,812
Юден индекси	0,57	0,75	0,84
ROC-эгрилиги остидаги майдон катталиги	0,549	0,683	0,663

Операцион материални гистологик текшириш ва операция ичи жарроҳлик босқичлари натижалари билан МРТ, КТ ва УТТ материаллари асосида ҳар қайси келтирилган тадқиқот усуллари учун бачадон саркомаси тарқалганлигини баҳолашда ташхислаш мазкур усулларининг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқотдан олинган натижалар кўрсатишича, бачадон саркомаси кузатилган беморларни комплекс текширишда УТТ, КТ ва МРТ каби замонавий ташхислаш усулларини киритиш саратоннинг тарқалганлик даражасини самарали аниқлаш, бачадон саркомасининг бирламчи генерализацияланган шаклидан саркоманинг эрта босқичини фарқлаш имконини беради.

Бачадон саркомасининг цитогенетик хусусиятлари. Периферик қон лимфоцитларида генетик альтерацияни ўрганиш учун 21 нафар беморда цитогенетик текширув олиб борилди. Беморлар ёши 24-72 ёшни ташкил қилиб, уларнинг ўртача ёши - $54,3 \pm 5,6$ га тенг.

Метафаза пластинкаларини ўрганишда хромосом абберрациянинг йўқлиги 6 нафар беморда аниқланди. Периферик қон лимфоцитларида хромосома абберрация 21 нафар беморнинг 14 (66,7%) нафарида кузатилди. Таъкидлаш жоизки, бир беморда периферик қон лимфоцитлари стимуляциясида ФГА нинг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Абберрация билан метафаза пластинкалари миқдори бўйича тадқиқот натижалари таҳлили бачадон саркомаси кузатилган 14 нафар беморнинг 6 (42,9%) нафарида ягона абберрацияли метафаза пластинкаси кузатилган, 2-7 абберрацияли метафаза пластинкаси 8 (57,1%) беморда аниқланган.

Лимфоцитлар стимуляциясида кучсиз ФГА кузатилган беморлар сони бўйича тадқиқот таҳлили кўрсатишича, иммунсупрессиянинг келиб чиқишда кузатиладиган сабаблардан бири сингари мазкур белги 21 нафар беморнинг 5 (23,9%) нафарида аниқланди. Бу 10% ҳолатда (2/21) хромосома абберрация

даражаси соғлом кишиларда меъёрда ошмади (соғлом кишиларда 2,8%, текширилаётган беморларда бу кўрсаткич 3% гача). Қолган ҳолатларда 71% беморда (15/21) хромосома абберрацияси даражасининг ошиши кузатилди – бу 17 жуфт хромосома узун елка делециясида (17q-), 18 жуфтда (18q-) ва X хромосомада, шунингдек фрагмент ва анеуплодияда аниқланди. 19% (4/21) беморда хромосома тузилишли шикастланишининг энг юқори даражаси 28% гача кузатилди.

Мазкур беморлар морфологик ташхисотида ўсманинг юқори митотик фаоллиги, ҳужайрали атипия, қон қуйилиш, томирлар инвазияси, ҳужайраларда ядро контурининг тартибсизлиги, кўпол майда донали хроматин ва нафис нуклеолалар аниқланди.

Бачадон саркомаси кузатилган беморларда олиб борилган цитогенетик тадқиқот натижалари кўрсатишича, периферик қон лимфоцитларида хромосома ўзгаришлари кўпроқ кузатилади.

